

ТЕЛЕВИДЕНИЕДА РЕАЛИТИ-ШОУЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРҚАЛИШИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10965232>

Назарова Хуршидабону Олимовна
Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Ахборот хизмати сектор мудири

Аннотация

Уибу мақолада телевидениеда реалити шоу дастурлари яралиши ҳамда ривожланиши таҳлил қилинади. Реалити шоу лойиҳалари йўналишларга ажратилиб, ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилади. Асосийси Ўзбекистон телеканалларига мазкур турдаги телелойиҳаларнинг кириб келиши, сабаблари ва турлари таҳлил қилинади. Шунингдек, энг оммабопликка эришган реалити шоу дастурларининг жамоатчиликка бераётган маънавий озуқаси ёки аксинча унинг зарарли томонлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар

реалити шоу, режалашибирмаган сценарий, яширин камера, кундалик ҳаёт, зирачча

Янги давр журналистикаси кечагисидан кескин фарқ қиласди. Бугунги телевизион журналистиканинг кўплаб жанрлари мавжуд бўлиб, улар хилма-хиллиги, мураккаблиги ва кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Жанрлар доимий ривожланиш жараёнида, ҳаёт ва ўзгарувчан амалиёт билан бирга ўзгармоқда, янгиланмоқда. Янги жанрларнинг пайдо бўлиши билан эски жанрлар ўз-ўзидан тарихга айланади. Йилдан йилга телевидениеда ўхшаши йўқ янги шакллар пайдо бўлмоқда. Сўнгги йилларда ток-шоу, телешоу, реалити-шоулар энг оммабоп жанрлар сифатида тарқалмоқда ва омманинг эътибори, баҳс-мунозараларига сабаб бўлиб келяпти. Бу ҳақда соҳада бир неча йиллардан бери изланиш олиб бораётган олим, филология фанлари доктори А.Каримов шундай ёзади: “Ўтган асрнинг 80-йилларида жамоат фаоллари ток-шоулар орқали одамлар билан алоқада бўлиш мумкинлигини алохида таъкидладилар. Бу анча арzon ва қулай эди. Ток-шоу коммуникациялар таркибида энг муҳим омил сифатида намоён бўла бошлади. Кўрсатув орқали тарғибот-ташвиқот олиб бориш, реклама қилиш имкониятлари пайдо бўлди. Жамият учун муҳим аҳамият касб этган

жараёнларда ток-шоулардан фойдаланиш анъанага айланди. Юзма-юз мулоқотлар маҳаллий ва миллий ток-шоуларда ўз аксини топди. Жаҳон сиёsatчилари ток-шоунинг оммаболигини сезгани ҳолда, уни ҳатто йирик тадбирларга олиб киришди ва ўз қуроллари қилиб олишди”³⁶.

Ток-шоуларнинг аҳамияти шундаки, бундай дастурлар жамиятнинг турли қатламларини бирлаштиради, ҳаётий позицияларда ўхшашликни топади, хамма учун мақбул бўлган ахлоқий қадриятларни тасдиқлайди ва умумий муаммоларга универсал ечим топишга ёрдам беради. Ток-шоу - (*talk show [tɔ:k ʃou]* сухбатли кўнгилочар жанр) - инглиз тилидан сўзма-сўз таржима қилинганда – сухбатли томоша маъносини англатади. Сухбат, мунозара, ўйинларнинг муҳим хусусиятларини ўзида мужассам этган ток-шоулар бошловчининг шахсияти атрофида тўпланади. Айни пайтда миллий телеканалларда “Муносабат”, “Минбар”, “Очиқласига гаплашамиз” сингари ток-шоулар оммабоп бўлиб турибди.

Телешоулар нейтрал кўнгилочар жанр бўлиб, мусиқа ва тасвирлар устунлик қиласиди, реклама жуда кўп. Асосий хусусияти – ўйин-кулги, дам олишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Телевизион шоунинг асосий мақсади одатда томошабинларга хурсандчилик баҳш этиши, аудиторияни турли совринлар қўлга киритиши ва истеъодини кенгроқ қўрсатиши шароит яратишни қамраб олади. Ушбу дастурлар томошабинлар эътиборини жалб қилиш ва ушлаб туриш учун турли танловларга таянади, шартлардаги қийинчиликлар ва иштирокчиларнинг ҳис-туйгуларига асосланади. Бунинг учун улар турли визуал ва аудио эфектлардан фойдаланадилар. Ҳозирги кунда “Х фактор” телешоуси кўпчилик томошабинларнинг эътиборини тортмоқда.

Филология фанлари доктори А.Каримов ҳозирда телевидение амалиёти ва илмида ток-шоу, телешоудан сўнг шоулар билан алоқадор бошқа турлар ҳам кириб келаётганига эътибор қаратиб: “Реалити-шоулар телешоу, ток-шоудан ҳақиқат ва реалликка асосланиши билан фарқланади. Яъни, ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар қандай бўлса шундайлигича, уюштирилмасдан, ясама буёқдорликдан холи, сохталиқдан йирок, томошавийликка асосланмаган ҳолда содир бўлади”³⁷ – деб ёзади.

³⁶Каримов А. Рекреативлик – замонавий тележурналистиканинг глобал қонунияти сифатида: миллий ва халқаро тажриба. Филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Т. 2023. – Б.147.

³⁷ Каримов А. Рекреативлик – замонавий тележурналистиканинг глобал қонунияти сифатида: миллий ва халқаро тажриба. Филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Т. 2023. – Б.149.

Реалити-шоу - бу режалаштирилмаган сценарий бүйича содир бўладиган, воқеликни кўрсатадиган, ўз навбатида актёрлар эмас, балки оддий одамлар характеристини очиб берадиган дастурлар сифатида томошабин қалби ва онгига кириб боради. Юкорида қайд этилган ҳар учала жанр тури кўнгилочар, барча қатламлар эътиборини торта оладиган ва актёрлар ёки юлдузлар эмас, балки оддий одамларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган дастурлар эканлиги туфайли хам тобора оммалашмоқда.

Биз қўйида реалити-шоуларга чуқурроқ тўхталамиз. Телевизион журналистиканинг бу жанри кўп жихатлари билан бошқа жанрлардан фарқ қиласди ва устунликка эга. Соҳа олимларидан бири, Гуцал Евгений Александрович реалити-шоунинг асосий кўринишлари ҳақида ёзади³⁸.

Биринчи тур: "Шоу подглядывания" ("Яширин тарзда кузатиш шоуси"). Кимнидир ёки ниманидир яширин тарзда кузатишни Ер юзи ахолисининг аксарият қисми яхши қўради. Бундай шоу иштирокчилари турли мезонларга (жозибали кўриниш, соддадиллик, камера олдида осон ҳаракат қилиш қобилияти ва бошқа) кўра қизиқарли бўлиши керак. Инсоннинг феълатворида, бир томондан, соғлом нарцисизм, иккинчи томондан, соғлом асабийлик улуши бўлади. Фарbdаги яширин тарзда кузатиш шоуларига "Big Brother" ("Катта Ака") (Gollandiya), "The Big Diet" ("Катта парҳез") ва "Broken" ("Синганлар") (Buyuk Britaniya) мисол бўла олади. Россиянинг "За стеклом" ("Ойна ортида"), "Голод" ("Очлик") каби реалити-шоуларни мисол келтириш мумкин.

Кейингиси "Шоу на выживание" ("Омон қолиш шоуси"). Бундай дастурлар доирасида қатнашчилар оғир яшаш шароитларда синалади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам охиригача қолиб, ғалаба учун интилиш тавсия қилинади. Бунда танловнинг энг муҳим мезонларидан бири - иштирокчининг ишонччилиги ва масъулияти, унинг шоу ташкилотчилари томонидан қўйилган талабларни бажаришга тайёрлиги ҳисобга олинади. Мисол тариқасида Швециянинг "Survivor" ("Омон қолган"), АҚШнинг "Alive" ("Тирик"), Россиянинг "Последний Герой" ("Сўнгти қаҳрамон") реалити-шоулари жуда машҳур.

Учинчи турга мансуб "Шоу профи"лар кўнгилочар функциядан ташқари томошабин ва иштирокчилар учун қатор амалий афзалликларга эга. Шоу доирасида профессионал ўйинчилар илгари ўзларига нотаниш бўлган

³⁸ Гуцал Е. А. Реалити-шоу на современном российском телевидении : диссертация ... кандидата филологических наук : 10.01.10. <http://www.dslib.net/zhurnalistika/realiti-shou-na-sovremennom-rossijskom-televidenii.html>.

хунармандчилик турларини ўзлаштирадилар, профессионал даражаларини оширадилар ва томошабин “ошхона”нинг ўзини томоша қиласи ёки амалий билимларга эга бўлади. Профессионал шоуга Россиянинг “Юлдузли фабрика” дастурини киритса бўлади. Унда реал вақтда эстрада юлдузларини тарбиялаш жараёни кўрсатилади. Сўнгги пайтларда томошабинларнинг реалити-шоуларга бўлган қизиқиши ортиб бораётгани ва ушбу қизиқишини доимий равишда қўллаб-қувватлаш зарурати туфайли бундай лойихалар ташкилотчилари юқоридаги гурухларнинг айрим элементларини синтез қилишга тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Сўнгги тур эса “Квест” (“Қидириш”) деб номланади ва инглизча “quest” – сўзидан олинган. Саргузашт, детектив ҳикоя, жумбокларга асосланган, ностандарт ечимларга қурилган. Иштирокчилар ғайриоддий яшаш шароитларига жойлаштирилади ва қўплаб камералар ҳамроҳлигига жисмоний ва интеллектуал тўсиқларни енгиб ўтади. Квест доирасида иштирокчилар етакчиликка яққол мойил бўлган, юқори даражадаги IQ га эга, тезкор реакцияга қодир ва тез қарор қабул қила оладиган шахслардир. Бундай шоуга “Форт Баярд” мисол бўла олади.

Реалити-шоулар тарихи, уларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ турли маълумотлар бор. Масалан, россиялик олим С.Урозова “Телевизорда Реалити ТВ деб номланган маҳсулотдан кўра кўра баҳсли дастур йўқ. Биринчи марта 1999 йилда Нидерландияда пайдо бўлган (“Big Brother” (“Катта ака”) реалити-шоу хам ижобий, хам салбий жиҳатдан кенг жамоатчилик муҳокамаларига сабаб бўлди. Бир зумда бутун дунё бўйлаб тарқаб, мамлакатда кўп миллионли аудиторияга эга бўлди. Айнан мана шу икки омил – маҳсулотнинг тез тарқалиши ва катта микдордаги аудиториянинг эътибори – теледастурнинг ғайриоддий хусусиятларидан далолат беради”³⁹ – деб изоҳлайди. Россияда энг машҳур реалити-шоулар – “Дом-2” ва “Экстрасенслар жанги” ҳисобланади.

Википедия маълумотларига таянадиган бўлсак, кутилмаган вазиятларда одамларни кўрсатадиган дастурлар биринчи марта телевизорда 1940-йилларда пайдо бўлгани ёзилган. 1948-йилда АҚШ телевидениесида “Яширин камера” - “Hidden camera” шоуси (1947-йилги “Яширин микрафон” - “Hidden microphon” радио дастури асосида) пайдо бўлди ва тезда машҳур бўлди. Айнан мана шу дастурда муаллиф режасига биноан кутилмаган вазиятга тушиб қолган одамларнинг муносабати, хатти-харакатлари

³⁹ Урозова С.Л. Реалити-шоу: особенности и принципы моделирования. М.: 2011.
<http://www.ipk.ru/ftpgetfile.php?id=111>.

телевидение ва радио орқали биринчи бўлиб ёзиб олинган ва эфирга узатилган.

1950-йилда “Out of time” (“Вақтдан ўзиб”), “Cause or effect” (“Сабаб ёки оқибат”) ўйинли реалити-шоулари намойиш этилади. Унда оддий одамлар турли ғайриоддий мусобақаларда, трюк ва ҳазилларда иштирок этадилар. Бу дастурлар фақатгина АҚШда намойиш этилган бўлиб, улар реалити шоуларининг илк кўриниши эди, холос. Россиялик олима С.Урозова оммавийлиги, дунё бўйлаб тарқалишини инобатга олиб, “Big Brother” (“Катта ака”) дастурини илк реалити- шоу деб баҳолаётган бўлса ажаб эмас.

Биринчи реалити-шоу 1971 йилда АҚШда яратилган ва икки йилдан сўнг ПБС телеканалида пайдо бўлган. Шоу ўн икки эпизоддан иборат бўлиб, бутун жамоатчилик бир оиласида рўй бераётган воқеаларни кузатиб борди. Асосий интрига шундан иборат эди, оила ажрим ёқасида. Беш фарзанднинг каттаси, йигирма ёшли Ленс вақти-вақти билан лаб бўёгини суртиб, аёллар кийимини киярди. Ўша йилларда шоу телевидениеда рекорд миқдордаги – ўн миллион томошабинни жалб қилди ва қўплаб мунозарали фикрларга сабаб бўлган.

1973 йилда Кўшма Штатларда замонавий реалити-шоуларга ўхшаш намойиш пайдо бўлади – бутун Америка Лоуд оиласининг кундалиқ ҳаётини 12 эпизод давомида томоша қилади. Бироқ, ҳақиқий портлаш 1999 йилда Голландияда “Big Brother” (“Катта ака”) деб номланган шоу чиққандан сўнг бошланади. Мазкур дастурда бир хонадонга қамалган ўғил-қизлар бутун қўрсатув давомида фақат ўзаро муносабат ўрнатишга ҳаракат қиладилар. Охир-оқибат, квартирада фақат битта ғолиб қолиши кераклигини билиб, улар турли ёлғонларни тўқишиди, жанжал қилишиди, гурухлар тузишиди, ёқлаб ва қарши овоз беришиди. Умуман олганда ҳеч қандай маъносиз, миниатюрада инсоният жамиятини тасвирладилар.

Лойиҳанинг оддийлигига қарамай, аниқ ва акл бовар қилмас даражадаги муваффақиятга эришилди. Шу сабабли продюссерлар шунга ўхшаш дастурлардан узоқ вақт давомида яхшироқ фойдаланиш мақсадида уни клонлаштиришга ўтишди. Бутун дунёда, жумладан, Мексика, Таиланд, Нигерия ва бошқа минтақаларда “Big Brother” (“Катта ака”)нинг нусхалари турли даражадаги муваффақиятлар билан намойиш этилгач, телеканал эгалари йўл-йўлакай тажриба ўтказишларига тўғри келди. Бундай турдаги шоулар бир жойда қотиб қолмаслиги учун мутлақо янги форматларни ишлаб чиқишига эътибор қаратса бошладилар.

Мазкур дастурлар оммавийлик ва жамиятда турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётгани туфайли катта даромад келтирас эди. Бунинг учун барча эшиклар очилди – худудий чекловлар, одоб-ахлоқ меъёрлари олиб ташланди. Томошабин эътиборини жалб қилиши мумкин бўлган ҳамма нарса кўрсатилди ва ўз ҳақиқатига эга бўлиш истаги чинакам оммавий ахлоқиззик характеристига эга бўлди. Барча рекордларни Fox and Nash Entertainment телекомпаниясининг раҳбарларидан бири (ўриндош продюсер) Майк Дарнелл, ҳеч муболағасиз янгилади ва мазкур жанрнинг отаси деган норасмий номга ҳам эга бўлди. Айнан у “Катта ака” каби дастурлардан чинакам “ҳақиқат”ни яратган, куч ва пулни аямасдан, ҳайратланарли ва янгиликнинг барча мумкин бўлган шаклларини қўллаган. Масалан, Моника Левинскийни “Жаноб шахсият” реалити-шоусининг бошловчиси сифатида таклиф қилишдан тортиб, “Ҳаёт” деб номланган деярли чексиз давом этувчи реалити-шоуни ҳам яратса олди. Бу орқали Дарнелл одамларнинг деярли барча ҳиссиёт ва қизиқишлари билан ўйнашишга муваффақ бўлди. Дастур иштирокчилари ўзини бой сифатида намоён этаётган камбағалнинг қўнглини овлаш учун исталган нарсага тайёр туришга мажбурлай олди. Телекамералар олдида эркин севгини рағбатлантириди, изланишлар учун шоуга айланди. Ёш йигитлар ўзидан анча катта бадавлат аёлларга қўнгил қўйишига эриша олди.

2003 йилда эса Майкнинг навбатдаги лойиҳаси ишга туширилиши унга ҳақиқий “Юлдузли онлар”ни тухфа этди. Йигирма кишидан иборат иккита жамоа кимсасиз оролга туширилади. Уларнинг ҳар бири исталган қуролни танлаш ҳуқуқига эга эди. Озиқ-овқат йўқ, кийим йўқ - факат антидепрессантлар. Дастур қандай якунланиши кераклиги унинг сарлавҳаси билан қисқача кўрсатилган – “Alive” (“Омон қолган”). Бироз вақт ўтгач, “Эдем абадий” ҳақида гапирад экан, Дарнелл шундай дейди: “Ушбу шоуда ғолиблар ёки мағлублар бўлмайди”. Кейинчалик аникланишича, ғолиб “Alive” реалити-шоусида ҳам бўлмаган. Ғолиб деб топилган 29 ёшли Жорж Шенон олган жароҳатлари туфайли касалхонада вафот этади.

Ўзбекистонда ilk реалити шоу “Севимли” телеканалида ишга туширилган “Зирачча” лойиҳасидир. Мазкур реалити шоу ҳақиқатдан ҳам миллионлаб томошабинларнинг қизиқишлари, турли баҳс-мунозараларига сабаб бўлган. Мазкур лойиҳада асосан оғир шароитларда катта бўлган, турли сабабларга кўра ахлоқ тузатиш колонналарида сақланаётган хотин-қизларнинг ҳаёти, муаммолари олиб чиқиласди. Уни ҳал қилиш ечимлари изланади. Иштирокчилар турли синовлардан ўтади. Реалити-шоунинг ҳар

бир мавсумида турли тақдир әгалари бирлашади. Уларнинг муаммолари турлича. Нафрат, тушкунлик, лоқайдлик, маданиятсизлик, аламзадалик, носоғлом ҳаёт тартибига кўниккан қизлар ўзгаришга қарор қилишади. 20 га яқин мутахассисдан иборат мураббийлар жамоаси иштирокчиларга бу борада максимал даражада қўмаклашишга киришади. Улар бир уйда истиқомат қилишади. Қатъий тартиб ҳамма учун бир хил. Илк ҳафталарда қизлар билан яқиндан танишув ва мұхитга психологияк мослашув кузатилади. Кейин эса режага мувофиқ қатнашчилар синовдан ўтади. Бир сўз билан айтганда, Ғарб телевидениеларида пайдо бўлган реалити-шоулар ўзбек телеканалларида ҳам кенг тарқалмоқда. Албатта уларнинг сифати, оммавийлиги, миллий маънавиятимизга мос келиш ёки келмаслиги алоҳида ўрганиладиган жиҳатлар ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов А. Рекреативлик – замонавий тележурналистиканинг глобал қонунияти сифатида: миллий ва халқаро тажриба. Филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 2023.
2. Уразова С.Л. Реалити-шоу: особенности и принципы моделирования. М.: 2011. <http://www.ipk.ru/ftpgetfile.php?id=111>.
3. Гуцал Е. А. Реалити-шоу на современном российском телевидении : диссертация ... кандидата филологических наук : 10.01.10. <http://www.dslib.net/zhurnalistika/realiti-shou-na-sovremennom-rossijskom-televidenii.html>.